

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ДЕФЕКТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Ҳимояга рухсат этилсин
Дефектология касбий қайта
тайёрлаш курси раҳбари

п.ф.н. доц. Л.Нурмухамедова
«____» _____ 2013 й.

Ҳимояга рухсат этилсин
«Коррекцион педагогика» кафедраси
муздори _____
п.ф.н., доц. Ш.М.Амирсаидова
«____» _____ 2013 й.

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
Логопедия мутахассислиги**

**Мавзу: Болалар церебрал фалажида
(дизартрия) нутк камчиликларини баратараф этиш**

Бажарди: Максумова Ш.

Коррекцион педагогика

**Илмий раҳбар:
Проф п.ф.н. М.Аюпова**

Тошкент-2013 йил

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

I-БОБ МУАММОНИНГ ЎРГАНИЛИШИНING ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

- 1.1. Болалар церебрал фалажи ва унинг намоён булиши.
- 1.2. Болалар церебрал фалажида нутқнинг ўзига хос хусусиятлари.

II.БОБ.Болалар церебрал фалажида болалар нутқини ўрганиш

- 2.1.Болалар церебрал фалажида (дизартрия) болалар нутқини текшириш методикаси.
 - 2.1.1.Артикуляцион аппарат тузилиши ва ҳаракатчанлигини текшириш
 - 2.1.2.Товушлар талаффузини текшириш
 - 2.1.3.Фонематик идрокни текшириш

III.Боб. Болалар церебрал фалажида (дизартрия) нутқ камчиликларини баратараф этиш.

3.1. Логопедик текшириш натижалари

- 3.1.1. Артикуляцион аппарат тузилиши ва ҳаракатчанлигини текшириш натижалари
- 3.1.2. Товушлар талаффузи нуксонларни текшириш натижалари
- 3.1.3. Фонематик идрокни текшириш натижалар

3.2. Болалар церебрал фалажидад дизартрия нутқ камчилигини бартараф этиш (методик тавсиялар)

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги равнақ топиб, барча соҳаларда юксак ишлар амалга оширилиб келинаётган шу кунларда маориф соҳасида ҳам таълимни ислоҳ қилиш борасида самарали натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш” миллий дастури талаблари асосида ёшларни комил инсон, баркамол шахс қилиб тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичларида юксак маънавиятли шахсни шакллантириш педагогик муаммо сифатида ўрганилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлиги янги сифат даражасига кўтариш масаласида мактабгача таълим тўғрисида гап кетар экан, аввалам бор, унинг ҳукуқий – меъёрий баъзасини таъминловчи расмий ҳужжатларга мурожаат қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли “Мактабгача таълим соҳасидаги ҳукуқий – меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан мактабгача таълим Низоми жорий этилди. Эндиликда, ушбу Низомга биноан мактабгача таълим муассасалари мустақил юридик шахс сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги Ҳайъат мажлисининг 2009 йил 28 сентябрдаги 10/4-ХҚ – сонли қарори билан тасдиқланган “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ва “Мактабгача таълим Концепцияси”да таълим жараёни ва унинг самарасига доир меъёр ва мезонлари ишлаб чиқилди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш” миллий дастурига мос равишда яратилди. Янги ишланган давлат талаблари аниқ ёшдаги боланинг ривожланиши ва ютуқларини баҳолаш даражаси мезонларини, индикаторларини аниқлаб беради.

Мазкур ҳужжатларнинг ўзига хослиги-биринчи навбатда оилаларга фарзандларини тўлақонли тарбиялашларида, болага таълим бериш ва ривожлантиришларида, мактабга тайёрлашда ёрдам беришга йўналтирилган бўлиб,

бу билан ота-оналарнинг оиладаги тарбияга жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Ушбу ҳужжатлар ёрдамида узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи бўлган таълимни баҳолаш имконияти пайдо бўлади, натижада бутун таълим тизимининг яхлитлиги ва узлуксизлиги, унинг мазмунан янгиланиши таъминланади.

“Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” бола шахси ривожланишининг тўртта тури асос қилиб олинган: жисмоний, ижтимоий-ҳиссий, нутқ ҳамда ўқиш ва ёзишга тайёрлашдан иборат бўлиб, уйғунликда бола ривожланишининг яхлитлигини ташкил этади.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган қисқа даврнинг ҳар бир йилини сарҳисоб қилсак, Ҳукуматимиз томонидан инсон манфаатларини кўзлаш ва ҳимоялаш баробарида, жамиятимизнинг ажралмас қисми бўлган алоҳида ёрдамга муҳтож қатламига жиддий эътибор қаратиб келинаётганини кузатамиз. БМТнинг болалар муоммолари билан шуғулланувчи Халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг ҳар йили ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича олиб борадиган ижтимоий мониторинг натижаларида ҳам Ўзбекистон инсон ҳаётини ҳимоялашда, айниқса, оналик ва болаликни, шунингдек, жамият фуқароларининг алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган қатламини муҳофазалашда ўзига хос ютуқларга эришаётган давлатлардан бири эканлиги кўрсатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экспертлари келтирган маълумотларга қараганда, бутун дунё аҳолисининг 10% ни алоҳида эҳтиёжли инсонлар ташкил этар эканлар. Бу эса қатор ижтимоий, этик, иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарадики, уларни самарали ҳал этилиши даражаси замонавий жамиятнинг энг муҳим ва аҳамиятли кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу ўринда болаликдан ногиронлар масаласи ўткир ва долзарб муаммо ҳосил қилмоқда. Зеро улар умум алоҳида эҳтиёжли инсонлар сирасида энг заиф ҳимояланган буғинни ҳосил қиладилар. Айниқса болалар церебрал фалажланиши хасталиги ҳозирда бутун олам олдида катта ва мураккаб муаммо бўлиб гавдаланаяпти десак муболаға бўлмас.

Ҳозирги кунда дунёда церебрал фалажланган инсонлар сони 15 миллиондан ошиб кетди. Энг ачинарлиси шундаки, ҳар куни ушбу хасталик билан 900 дан ошиқ гўдак дунёга келмоқда.

Ушбу болалар айтилишида дамда комплекс педагогик-тиббий-психологик коррекцион таъсирли ёндошувга муҳтождирлар.

Болалар церебрал фалажида нутк нуксонларининг намоён бўлиши хақида турли фикрлар мавжуддир. В. Кардвеллнинг маълумотларига кўра нуткий патологияни 73% ҳолатларда кузатиш мумкин. К. А. Семёнованинг фикрича эса, нутк нуксонларининг кучайиши фалажликнинг турига боғлиқдир. Хусусан, спастик диплнгияда 70% болаларда дизартрия кузатилади, айрим ҳолларда мотор алалияни кўриш мумкин. Гемипарияетик турида 25-35% болалар дизартрия нуксонига эга бўладилар, гиперкеник турнинг 90% ҳолларида дизартрия кузатилади. Атоник-астатик турнинг 60-75% икки томонлама гемиплегияда эса доимо оғир кўринишдаги дизартрия ёки анартрия кузатилади.

Кўпгина тадқиқотчилар нутк нусонини тугридан-тугри БЦФ билан боғлаб, нутк нуксонинг барча симптомларини артикуляцион органларнинг ҳаракатидаги патология билан боғлашга уринадилар. Фикримизча бундай ёндошув бир томонлама бўлиб, БЦФ ҳолатида ҳам нутк нуксони анъанавий этиологияга эга бўлиб, мотор камчиликлар билан умуман боғлиқ эмас ёки қисман боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Ўз ўрнида нутк бузилишлари церебрал фалажланган боланинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади яъни нуткий мулоқатни кескин чегаралайди, билиш фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, вербал интеллект тараккиётига тўскинлик қилади.

Мактабгача ёшдаги церебрал фалажланган болаларда логопедияда маълум бўлган барча нутк нуксонларини учратиш мумкин. Улар сирасига дизартрия, алалия кириб, ушбу нутк нуксонлари турли кўриниш, оғирлик ва шаклда намоён бўлади. Нутк ривожланишининг сустлашуви меъёрга нисбатан нуткни кеч эгаллаш суръатларида кўрилади. Нутк ривожланишининг сустлашувида тилнинг барча компонентларининг, яъни лугат, грамматика, фонетика шаклланишида кечикиш кузатилади. Илк сўз ва ибораларнинг кеч пайдо бўлиши характерлидир. Нутк ривожланишининг сустлашуви нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли аниқ ташхисий чегараларга эга эмас. Бундай муаммоли болаларни алаликлардан фарқлаш қийин бўдиб, нутки меъёردа ривожланаётган болалардан фарқлаш эса унданда мушкул, зеро меъёрнинг ўзи турличадир. Дизартриянинг енгил шакллари ва уларни функционал дислалиядан фарқлаш усуллари Е. Ф. Соботвия (1974), А. Ф. Чернопольская (1974), Р. Н. Мартинова (1975) ишларида ёритиб берилган. Мактабгача ёшдаги дизартрик болаларда нутқининг фонетик – фонематик томонидан ривожланмаганлиги ва бундай камчиликларни бартараф этиш тизими М. В. Ипполитова (1989), Л. В. Лопатина (1994), Н. В. Серебрякова (1994) ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Юқорида айтиб ўтилганлардан маълум бўлишича, болалар церебрал фалажланишида намоён бўладиган нутк бузилишлари (дизартрия) илмий жиҳатдан Ўзбекистонда ўрганилган махсус ишлар йўқ.

Шунинг учун биз мактабгача тарбия ёшидаги церебрал фалажланган болалар нутқининг ўзига хос хусусиятларини мукамал урганиш ва коррекцион иш тизимини ишлаб чиқиш бўйича махсус тадқиқот ўтказишни долзарб масала деб билдик.

Тадқиқотнинг мақсади – церебрал фалажли дизартрик болалар нуткининг урганиш ва логопедик ишни олиб бориш учун педагогик тавсиялар бериш.

Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифаларни** белгилаб олдик:

- муаммо бўйича адабиётларни таҳлил қилиш;
- церебрал фалажли дизартрик болалар нуткини урганиш;
- тадқиқот натижаларига таянган ҳола мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар бўйича илмий – амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг методологик асосини – президентимиз И.А.Каримов асарларида олға сурилган маънавий ҳақидаги ғоялари, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилинган Давлат дастурлари, шарқ мутафаккирларининг маънавий, миллий ўзликни англаш, комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фалсафий – ахлоқий қарашлари, Л.Виготскийнинг бирламчи ва иккиламчи нуқсонларнинг намоён бўлиши ҳақидаги таълимоти, Р.Е.Левина томонидан ишлаб чиқилган нутқ патологиясини таҳлил қилиш принциплари, нутқни ўрганиш ва онтогенезда нутқни эгаллаш қонунлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг объекти – мактабгача ёшдаги церебрал фалажли болалар.

Тадқиқот предмети – мактабгача ёшдаги церебрал фалажли дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион – педагогик иш жараёни.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилди:

- тадқиқот мавзуси бўйича фалсафий, психологик – педагогик лингвистик ва методик адабиётларни назарий таҳлил қилиш;
- мактабгача ёшдаги дизартрик болалар нуткини урганиш (синов эксперимент);
- педагогик жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш;
- махсус мактабгача муассасалар режа ҳисобот ҳужжатлари, тарбияланувчиларнинг тиббий – педагогик ҳужжатларини ўрганиш, болалар, логопедлар, тарбиячилар ва ота – оналар билан яқка суҳбатлар ўтказиш;
- тадқиқот натижасини сон ва сифат бўйича таҳлил қилиш.

Малакавий битирув иши кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ МУАММОНИНГ ЎРГАНИЛИШИНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Болалар церебрал фалажи ва унинг намоён булиши.

Болалар церебрал фалажланиши (БЦФ) термини мавжудлигига юз йилдан ошган бўлсада, касалликнинг ўзи инсониятнинг бутун мавжудлик тарихи давомида унга маълум ва хамрохдир. Аммо унинг тарихи шунчалик қадимий бўлсада, ушбу муаммога бўлган қарашларда ҳалигача ягона фикр мавжуд эмас.

БЦФ термини билан биргаликда клиник амалиётда айрим ҳолларда «Литтл касаллиги» атамаси ҳам қўлланилади. Ушбу атама XIX-асрнинг ўрталарида илк бор туғуруқ жараёнидаги салбий асоратлар билан боланинг кейинги ақлий ҳамда жисмоний ривожланишидаги камчиликлар ўртасида алокани аниқлаган(1843) британиялик хирург-ортопед Уильям Жонн Литтл (William John Little) шарафига киритилган. Литтл ўз қарашларини ўзининг "Патологик ва оғир тугруқ, гўдакнинг вақтидан илгари туғилиши ҳамда асфиксиянинг боланинг ақлий ва жисмоний ҳолатига таъсири» номли рисоласида (Little W.J., 1862) баён этди. Буюк Британия акушерлари жамиятига йўлланган ушбу рисола материаллари ҳозирга қадар церебрал фалажланиш мавзусидаги китоб ва мақолаларда энг кўп келтирилади.

Литтлнинг ишлари кўпчилик замондошларининг эътиборини ўзига тортди. Бунга далил сифатида рисола чоп этилгандан сўнг нашр қилинган бирданига уч нафар ўз замонасининг таниқли олимларининг шарҳларни келтириш мумкин (Kavcic A.). Ўз оғшонентларига жавобан Литтл туғуруқнинг патологик асоратларини у биринчи бўлиб аниқламаганлигини эътироф этади. Ушбу мавзу юзасидан инглиз тиббий адабиетида маълумот топа олмагач, Уильям Шекспир асарларига мурожат қилади. Литтлнинг фикрича, Шекспир асари қаҳрамони бўлмиш Ричард III нинг кўринишида муддатидан илгари туғилиш, туғуруқ жараёнининг оғир кечиши ҳамда болалар церебрал фалажлиги асоратларини аниқ кузатиш мумкин. Шекспир ўз қаҳрамони тилидан унинг ҳолатини куйидагича ифодалайди: «Мен ўшаман на бўй-у, на кадду-қомат, улар ўрнига маккор табиат бермиш менга қийшиклиг-у, дол қомат. Менман ўша - қилиниб абгор,тириклар дунёсига юборилган вақтидан аввал. Шундай майиб, пгундай таскара, ҳатто итлар хуришар мени кўрганда..... Литтлнинг фикрича, асар қаҳрамонинг бутун ўй-фикрлари, изтироблари ва қайғуларни айнан церебрал патология билан изоҳлаш мумкин. Литтл кейинги ишларида ҳам айнан ана шу қаҳрамоннинг умум кўриниш ва ҳолатидан ўз фикрининг исботи сифатида келтириб ўтди.

Юқоридаги каби ҳаракат бузилишлари то 1889 йилга қадар канадалик шифокор Уильям Ослер (Osier W., 1889) «церебрал фалажланишлар» атамасини киритилишини таклиф этгунга қадар «Литтл касаллиги» деб номланаверди. Ўзининг «Болаларда церебрал фалажлар» номли кенг

монографиясида Ослер оғир кечган туғуруқ ва марказий нерв тизимидаги зарарланишлар ўртасидаги алоқани очиб берди.

Болалар церебрал фалажлигининг церебрал келиб чиқишга эга бўлган турли мотор бузилишларни ўзида жамловчи алоҳида нозологик шакл сифатида биринчи бор машҳур веналик невропатолог, кейинчалик эса буюк психиатр ҳамда психолог Зигмунд Фрейд (Freud S., 1897) ажратди. Церебрал фалажликнинг Фрейддаги таснифи ҳамда талқини бошқа муаллифларникига нисбатан кенглиги билан ажралиб туради. У ҳатто фалажланиш аниқданмаган вақтда ҳам церебрал фалажланиш атамасини хусусан эпилепсия ёки рухий ривожланишнинг сустлашуви ҳолатларда ҳам қўллашни таклиф этди.

Болалар церебрал фалажлигига янгича назар ташлашни таказо этган ҳолат сифатида 2004 йилда АКШ нинг Мериленд шаҳрида церебрал фалажликлар таснифини аниқлаш бўйича ўтказилган Халқаро семинарни кўрсатиш мумкин. Унинг иштирокчилари болалар церебрал фалажлиги этиологик ташхис бўлмай, балки клиник тавсифий атама эканлигини эътироф этдилар. Муаллифлар қуйидаги тавсифни церебрал фалажлик ҳолати учун энг мақбул дея қабул қилдилар: «Болалар церебрал фалажлиги атамаси фаолликни чекловчи ҳаракатлар ривожини ҳамда гавда тузилишидаги бузилишлар гуруҳи бўлиб, улар ҳомила ёки гўдак миясининг кейинчалик ўсиш суръатига эга бўлмаган зарарланиши оқибатида келиб чиқади. Церебрал фалажланишда мотор бузилишлар аксарият ҳолларда хиссий, когнитив ҳамда коммуникатив функциялардаги нуқсонлар ила кўриниб, ҳулқ, перцепция ҳамда тутқаноқли бузилишлар билан намоён бўлади».

Болалар церебрал фалажи - бу бош мия ҳаракатлантирувчи зоналари ва бош миядаги ҳаракатни йўналтирувчи йўллари зарарланиши билан кечадиган марказий нерв системаси касаллигидир. Болалар церебрал фалажида миянинг ҳаракат ва нутқ системасида эрта органик бузилишлар кўзатилади. Бу бузилишларнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин: инфекцион касалликлар, ҳомиладорлик давридаги турли интоксикация ва жароҳатланишлар, сурункали касалликлар, она ва ҳомила қонининг резус фактор ва гуруҳи бўйича номуносиблиги. Бундан ташқари ҳомиланинг эрта ёки кеч туғилиши, генетик факторлар ҳам асосий шартлардан бўлиши мумкин.

Болалар церебрал фалажи она ҳомиласининг фаолиятини бузилиши натижасида содир бўладиган акушерлик жароҳатлари, туғриқ пайтида киндикни бўйин атрофида ўралаб қолиши натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай: ҳолатда боланинг марказий нерв системасига кислород етишмай қолиб, бош мия нерв хужайраларини зарарланишига олиб келади.

Болалар церебрал фалажи туғуруқдан кейин нейроинфекцияларнинг кечиши ва бош мияни қаттиқ жароҳатланишидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Бу болаларда барча ҳаракат функциясини шаклланишида сусайиш ва бузилишлар кузатилади. Бошни ушлаш ўтириш, туриш функциялари қийинчилик билан ёки кечикиб шаклланади. Болалар

церебрал фалажида харакатни бузилиши асосий нуқсон ҳисобланиб, у ўзига хос мотор анамалияни ривожланишини кўрсатади, бу эса ўз навбатида бола асаб-психик функциясини ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Болалар церебрал фалажида харакат соҳасини бузилиши турли даражада намоён бўлади: харакатнинг бузилиши шундай оғир бўлиши мумкинки у боланинг эркин харакат қилишидан бутунлай маҳрум қилади, мускулларнинг тонуси деярли зарар кўрмаган тақдирда ҳам болалар ўз-ўзига хизмат қилиш малакаларини қийинчилик билан эгаллайдилар.

Бу нуқсонга эга болаларда фақат харакат қилишдаги қийинчиликлар муаммо туғдирмайди, балки уларда тўғри харакат қилиши ҳақидаги тасаввурларни йўқлиги ҳамда шаклланмаганлиги намоён бўлади.

Болалардаги харакат бузилишлари ўз-ўзига хизмат кўрсатиш малакаларини эгалланишини мураккаблиги, уларни атрофдаги катталарга қарам қилиб қўяди. Бу уларда пассивликни, ташаббус кўрсатмасликни шакллантириб, мотивацион ва иродавий соҳани бузилишига олиб келади. Шундай қилиб, харакат бузилишлари боланинг психик ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Харакатнинг бузилиш даражасидан қайтий назар бу болаларда ҳиссий- иродавий соҳа, ҳулқ, интеллект, эшитиш ва кўриш издан чиққан бўлиб, талваса синдроми кузатилади.

Бундай болаларнинг кўпчилигида ақлий меҳнат қилиши бузилган бўлиб улар тез чарчаб қоладилар. Бирор бир мақсадга йўналтирилган фаолият бажарилаётганда улар бўшашадилар ёки тез жаҳиллари чиқади ва берилган топшириқларни қийинчилик билан бажарадилар. Баъзи болаларда чарчаш оқибатида харакатида безовталиқ пайдо бўлади. Бола ўзича ҳар хил харакатлар қилади, турли имо-ишораларни кўрсатадилар, сўлаги оқади. Болаларнинг ихтиёрий фаолиятида тартибликка эришиш катта қийинчилик туғдиради.

Кўпгина болалар таасуротларга берилувчан, бошқалар тез ҳафа бўлади, овоз тонига, танбехга ёмон реакция қиладилар уларда кўркув, сийдик тута олмаслик, қайд қилиш ва бошқа бузилишлар кузатилади.

1.2. Болалар церебрал фалажида нутқнинг ўзига хос хусусиятлари.

Болалар церебрал фалажида (БЦФ) да нутқ нуқсонларининг намоён бўлиши ҳақида турли фикрлар мавжуддир. В.Кардвеллнинг маълумотларига қараганда нутқий патологияни 73% ҳолатларда кузатиш мумкин.

К.А.Семёнованинг фикрича эса, нутқ нуқсонларининг кучайиши фалажликнинг турига боғлиқдир. Хусусан, спастик диплегияда 70% болаларда дизартрия кузатилади, айрим ҳолларда мотор алалияни кўриш мумкин. Гемипариетик турида 25-35% болалар дизартрия нуқсонига эга бўладилар, гиперкинетик турнинг 90% ҳолларида дизартрия кузатилади, атоник-астатик турнинг 60-75%, икки томонлама гемиплегияда эса доимо оғир кўринишдаги дизартрия ёки анартрия кузатилади.

Кўпгина тадқиқотчилар нутқ нуқсонини туғридан-туғри болалар церебрал фалажида (БЦФ) билан боғлаб, нутқ нуқсонининг барча симптомларини артикуляцион аппарат органларининг ҳаракатидаги патология билан боғлашга уринадилар. Фнкримизча бундай ёндашув бир томонлама бўлиб, болалар церебрал фалажида (БЦФ) ҳолатида ҳам нутқ нуқсони анъанавий этиология га эга бўлиб, мотор камчиликлар билан умуман боғлиқ эмас ёки қисман боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Болалар церебрал фалажида (БЦФ) да намоён бўлувчи нутқ нуқсонларининг турличалиги ҳамда ушбу патологиянинг мураккаб структурасини ҳисобга олган ҳолда ушбу болалар да нутқ нуқсонлари аксарият ҳолларда бу бузилишнинг қанчалик намоён бўлишига боғлиқ дея тахмин килиш мумкин. Хусусан нутқ ривожига қуйидагилар таъсир этиши мумкин:

- Болалар церебрал фалажида (БЦФ) нутқ нуқсонини келтириб чиқарувчи сабаблар;
- Переферик нутқ аппаратидаги мотор бузилишлар. Уларнинг нақадар кенг тарқалганлиги, интенсивлиги ва характериға кўра болаларда дизартриянинг турли шакллари намоён бўлади.
- Мотор бузилишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган сенсор етишмовчиликлар.

Кўриш, эшитиш ва ҳиссий билишдаги камчиликлар луғатни ва умуман нутқни эгаллашға салбий таъсир кўрсатади.

- Ҳомиладорлик давридаги патология билан боғлиқ бўлган артикуляцион аппаратнинг тузилишидаги етишмовчиликлар туғри талаффузни эгаллашға механик ҒОВ бўлиши мумкин.

- Марказий нерв тизимининг унинг нафақат мотор бўлимларинигина қамраб олмаган органик зарарланишлар. Чакка зонасида ҳамда брт ассоциатив комплексда билатериал диструкцияларнинг мавжудлиги алалиани келтириб чиқаради.

- Хаста боланинг ижтимоий ривожланиш шароитлари - ситуатив мулоқатнинг ва предмет-амалий фаолиятнинг кеч ривожланиши, атрофдагилардан қисман изоляция.

Ўз урнида нутқ бузилишлари церебрал фалажланган боланинг ривожланишиға ҳам таъсир кўрсатади: нутқий мулоқатни кескин чегаралайдилар ёки унга специфик компонентларни олиб келадилар, билиш фаолиятининг ривожланишиға салбий таъсир кўрсатиб, вербал интеллект тараққиётига тўсқинлик қиладилар.

Мактабгача ёшдаги церебрал фалажланган болаларда логопедияда маълум бўлган барча нутқ нуқсонларини учратиш мумкин. Шу билан бирға

БЦФқаби марказий нерв тизимидаги органик зарарланишлар оқибатида юзаға келувчи ва шу сабабли ҳам ушбу болаларда кўп учровчи нутқ камчиликлари ҳам мавжуддир. Улар сирасига дизартрия ва ал алия кириб, ушбу нутқ нуқсонлари турли кўриниш, оғирлик ва шаклда намоён бўладилар.

БЦФболаларда алалиани ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, гудакнининг пренатал ҳам да натал ривожланиш давридаги марказий нерв

тизимининг органик жароҳатланиши алалиянинг келиб чиқишига сабаб оулади. Алалиянинг этиологиясида худди БЦФдаги факторлар ўз таъсирини кўрсатади.

Нутқ ривожланишининг сустрлашуви меъёрга нисбатан кеч нутқни эгаллаш суръатларида кўринади. Нутқ ривожланишининг сустрлашувида тилнинг барча компонентларининг, яъни луғат, грамматика, фонетика шаклланишида кечикиш кузатилади. Илк суз ва ибораларнинг кеч пайдо бўлиши характерлидир.

Нутқ ривожланишининг сустрлашуви нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли аниқ ташхисий чегараларга эга эмас. Бундай муаммоли болаларни алаликлардан фарқлаш қийин бўлиб, нутқи меъёрида ривожланаётган болалардан фарқлаш эса унданда мушкул, зеро меъёрнинг ўзи турличадир. БЦФболаларда нутқ ривожланишининг сустрлашуви кўп учраб, унинг юзага келишига боладаги сенсомотор етишмовчилик ёки руҳий ривожланишнинг сустрлашуви сабаб бўлади. И.А.Смирнованинг фикрича, мактабгача ёшдаги БЦФболаларда нутқ ривожланишининг сустрлашуви психомотор ривожланишдаги сустрлашувга нисбатан камроқ учрайди. Махсус таълимга жалб этилган 62% болаларда илк ёшларда нутқнинг ривожланиш темпи меъёрида бўлган, 19% да эса сустрлашув (гуғулаш-3,5-5 ой., нутқни тушуниш - 9-11 ой., илк сўзлар -12-18, иборалар-24-30 ойдан), яна 19% болаларда сустрлашув жуда кескин характерга эга бўлган.

БЦФболаларда спастик, гиперкинетик ҳамда миёчали дизартрия аниқланган. Ҳар бир ҳолатда зарарланишнинг уч даражаси: енгил, ўрта ва оғир кўринишларини кузатиш мумкин. Тадқиқотчилар БЦФболаларда дизартриянинг аралаш кўринишини ҳам кузатадилар: спастик-атаксик, спастик-гиперкинетик, спастик-атаксик-гиперкинетик.

Барча муаллифлар БЦФболаларда псевдобульбар дизартрия энг кўп учровчи тур деган фикрга кўшиладилар. Псевдобульбар дизартрияли болаларга у ёки бу кўринишдаги секинлашган, оғир талаффуз хосдир. Нафас бўлимидаги ҳаракатнинг сустрлашуви артикуляцион аппаратнинг олд қисмидаги ҳаво оқимининг товушларни ҳосил қилишга етишмаслигига олиб келади. Ҳаддан зиёд сустр ҳаво оқимида ҳатто лаб товушларини ҳосил қилиш имконияти ҳам йўқолади. Ҳаво оқимининг етишмаслиги артикуляцияни артикуляцион бўлимнинг ўрта ёки орт қисмига сурилишига сабаб бўлади.

Овоз функциясини қобиқли назоратнинг бузилиши овознинг ёрқинлигини йўқолиб, диапазонининг торайишига олиб келади. Вокализациянинг характерига овоз пайчаларининг фалажланганлиги оқибатида уларнинг тулиқ бирика олмаслиги ҳам таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида овоз жарангсиз, паст бўлади.

К.А.Семенованинг фикрича, церебрал фалажланган болаларда асосан мотор нутқий камчиликлар кузатилади. Ушбу болаларнинг нутқий патологияларида миёчали ва псевдобульбар дизартрия асосий ўринни тутати. К.А.Семенова М.Н.Аствацатуровнинг келтирган ғоясига кўшилган ҳолда церебрал фалажланган болаларда моториканинг бузилиши узвий боғлиқлик ҳолатида юзага келиб, у боланинг ҳам ҳаракат ҳам нутқий мушаклари

доирасига таъсир кўрсатади. Юзага келувчи спастик парезнинг бир хил кўринишда ҳаракат тизимларининг аъзолари билан бирга мимик ҳамда артикуляцион мускулатурани қоплаб олишини М.Б.Эйдинова ҳам ўз тадқиқотларида аниқлайди. Худди ҳаракатда юзага келувчи ҳаракатларнинг ноаниқлиги, сўниш характериға эға эканлиги, тез толиқиш нутқий фаолияда ҳам худди шундай ҳолатларни келтириб чиқаради. Ҳаракат фаолиятидаги ихтиёрсиз қисқаришлар мушакларнинг фаол бўшашишидаги қийинчиликлар билан бирга келади ва бу кўриниш огир ҳолларда фонемадан фонемаға, бўғиндан бўғинға ҳамда енгил кўринишларда эса, сўздан сўзға ўтишда муаммолар ҳосил бўлишиға сабаб бўлади. А.Р.Луриянинг фикрича, бунға бир маромдаги нутқнинг ҳосил бўлишини таъминловчи «кинетик куй»нинг ривожланмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Е.Н.Правдина-Винарская ва М.Б.Эйдиновалар (1959) турли кўринишдаги дизартрик нутқий камчиликларни псевдобульбар фалажланишнинг аломати сифатида эътироф этадилар. Лаб мушакларининг заифлиги ҳолатида бола *у, б, п, ф* товушларини, тил мушакларининг кучсизлигида эса *о, и, д, ф, с, р* ҳамда юмшоқ танглай фалажланганида эса, *г, к, х* товушларини нотўғри талаффуз этади ёки умуман талаффуз эта олмайди. Болалар церебрал фалажланишишида артикуляцион моториканинг бузилиши нафақат товушлар талаффузига салбий таъсир кўрсатиб қолмай балки, иккиламчи камчилик сифатида фонематик идрокдаги муаммолар келиб чиқишиға сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ўз ўрнида сўзларнинг товушлар тахлилини ҳам да товуш-бўғин структурасини аниқлашға тўсқинлик қилади.

Аммо барча церебрал фалажланган болаларда ҳам бу ҳолат ўхшаш бўлмаслиги мумкин (Маргулис). Айрим болалар сўзларни алоҳида элементларға ажратишда катта қийинчилик хис этсалар, айримлар эса оддий товушлар тахлилида қийналадилар. Аксарият ҳолларда фонематик идрокдаги камчилик фақат бола талаффузда камчилиги бўлган товушларғагина тааллуқли бўлади. Камдан-кам ҳолларда болалар ҳатто нотўғри талаффуз этадиган товушларини ҳам тўғри идрок эта оладилар.

Церебрал фалажланишдаги нутқий кинестизия билан боғлиқ муаммолар эшитув-ҳаракат-кинестетик алоқаларнинг шаклланишиға тўсқинлик қилиб, ёзув малакаларини эгалланишида мураккаб қийинчиликлар туғдириши мумкин. Барча БЦФдизартрияли болалар артикуляцион кўникмалар, фонематик идрок ва тахлилни эгаллашға қаратилган коррекцион-логопедик иш тизимининг ташкил этилишиға муҳтожлик сезадилар.

БЦФдизартрик болаларда тилнинг лексик тизимини эгаллаш билан боғлиқ бўлган муаммолар мавжуд бўлади. Ушбу ўринда Н.Н.Малофеевнинг олиб борган тадқиқотини эслаш ўринлидир. Н.Н.Малофеев (1985) кичик мактаб ёшидаги церебрал фалажланган болалар томонидан от ва феъл сўзларни ишлатилиши маромини текширганда, улар ушбу болалар луғатининг умумий тарздаги 90% ташкил этишини, бошқа сўз туркумлари эса, улар нутқида жуда кам кўринишда эканлигини аниқлаган. Болалар битта сўзни бир неча маротаба такрорлашлари, ҳам да феълларни етарли даражада

эгалламаганлик, улар маъносини яхши англамаслик характерли кўриниш сифатида кайд этилди.

Кичик мактаб ёшидаги церебрал фалажланган болалардаги лексик-семантик ва грамматик камчиликлар Л.Б.Халилова (1984, 1991) томонидан текширилганда болалар кўпчилик сўзлар маъносини яхши билмасликлари, бир сўз билан бир неча ёндош маъноли сўзларни ифодалашлари, сўзлар маъносини адаштиришлари аниқланган. Болаларда мактабгача даврда шаклланган семантик тасаввурнинг кескин чегараланганлиги кейинчалик мактаб даврида тафаккурнинг ривожига тусқинлик килади.

Болалар луғати кескин чегараланган ҳам да шаклланиш суръати жуда суст бўлади. Болалар луғатидаги ва нутқидаги камчиликлар БЦФва унинг окибатидаги дизартрия билан белгиланиши мумкин. Касаллик туфайли боланинг теvarак-атроф ҳақида кам маълумотга эга бўлиши, кўплаб ижтимоий ҳолатлардан унинг беҳабарлиги, дизартрия окибатидаги мотор камчиликлар, нуткнинг тушунарсизлиги ушбу ҳолатга сабаб бўлиши мумкин. Ушбу болаларда предметлар ҳақидаги яхлит тасаввурнинг етишмовчилиги, шунингдек, нарсалар шакли ва ташки ҳолатини идрок килиш билан боғлиқ бўлган муаммолар боланинг албатта умум тафаккур ҳам да нутқий ҳолатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда БЦФболаларда нутқий камчиликлар қуйидагилардан ташкил топишини эътироф этиш мумкин:

- Дизартриянинг тур ли кўринишларида намоён бўлувчи фонетик-фонематик камчиликлар

- Касалликнинг специфик тузилиши туфайли тилнинг лексик тизимини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган хусусий муаммолар.

- Лексик ва фонетик-фонематик камчиликлар билан боғлиқ бўлган грамматик етишмовчиликлар.

- Дисграфия ва дислексиянинг барча турлари. Бу камчиликлар сабабларини болаларда кўрув-мотор ва оптик-фазовий тизимларнинг етарли даражада шаклланмаганлигида кўриш мумкин.

II. БОБ. Болалар церебрал фалажида болалар нутқини ўрганиш

2.1. Болалар церебрал фалажида (дизартрия) болалар нутқини текшириш методикаси.

2.1.1. Артикуляцион аппарат тузилиши ва ҳаракатчанлигини текшириш

Артикуляцион аппаратни текширишдан кутилган мақсад товушлар талаффузидаги нуқсонларнинг сабаби бўлувчи артикуляцион органлар тузилишидаги яққол ифодаланган аномалиялар ва ҳаракатчанлигини аниқлашдир.

Артикуляцион аппаратни текширганимизда эътиборимизни лаблар, тил, жағлар, тишлар, танглай, тилчага қаратдик. Бунда артикуляцион аппаратнинг анатомик жиҳатдан тузилиши текширилди ва артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини текшириш учун артикуляцион машқлар танладик.

Лаблар тузилишини текшириш: нормада, қалин, ингичка, ёриқликлар бор (бир томонлама ёки 2 томонлама).

Лаблар ҳаракатчанлигини текшириш:

- лабларни «о» товуши талаффузидагидай қилиб чуччайтириш, шу ҳолатни саклаб туриш;
- лабларни «у» товуши талаффузидагидай қилиб чуччайтириш, шу ҳолатни саклаб туриш;
- лабларни чўччайтириб, учини бирлаштириш;
- юкори лабни кутариб, юкоридаги тишлар каторини курсатиш;
- пастки лабни очиб, пастки тишлар каторини курсатиш;
- лабларни бирлаштириш.

Тил тузилишини текшириш: тилни текширганимизда унинг анатомик эътиборни қаратиш лозим: тил нормада, узун, калта, йўғон, ингичка, юганчанинг калта бўлиши.

Тил ҳаракатчанлигини текшириш:

- тилни пастки лаблар устига қуйиш ва шу ҳолатни саклаш;
- тилни юкори лабларга теккизиб, шу ҳолатни саклаш;
- тилни пастки тишлар каторига жойлаш ва шу ҳолатни саклаш;
- тилни юкори тишлар каторига жойлаш ва шу ҳолатни саклаш;
- тилни огиз бушлигига киргизиш;
- тилни иложи борида ташкарига чиқариш;
- тил учини ун лунжга теккизиш;
- тил учини чап лунжга теккизиш;

- тил учини огизнинг бир бурчагидан иккинчисига «соат» каби ҳаракатлантириш;

- огизни ката очиб, тилни юқориги лабларга, сунгра пастки лабларга теккизиш.

Жағ тузилишини текшириш:

Прогнатия – юқори жар олдинга томон чиққан бўлади.

Прогения – пастки жағ олдинга томон чиққан бўлади.

Олди очик прикус – юқориги ва пастки жағлар бирлашганда олдинги тишлар ораси очик ҳолда бўлиши.

Ёни очик прикус - жағлар бирлашганда ён томондаги тишлар орасининг очик қолиши. Ўнг томонли, чап томонли ва 2 томонли мумкин.

Жағларнинг ҳаракатчанлигини текшириш:

- огизни катта очиб шу ҳолатни сақлаб туриш;
- пастки жағни олдинга чиқариб, унг ва чапга ҳаракатлантириш;
- огизни катта очиш, ярмигача ёпиш ва тулик ёпиш.

Юмшок танглай тузилишини текшириш:

- силлик, айланасимон, гиперкинез, кичик тилчанинг унг ёки чап томонга кийшайгани, ёрикликларининг бор – йуқлигига эътиборимизни қаратдик.

Юмшок танглайнинг ҳаракатчанлигини текшириш:

- огизни очиб «а» товушини талаффуз қилиш (нормада юмшок танглай юқorigа кутарилади)
- махсус шпательни учига пахта ураб, юмшок танглай устидан силаш (нормада укчиш рефлексии содир булади)

Тишлар тузилиши: тишларни текширишда нормал, йўқ бўлиши, ораси очик бўлиши, йирик бўлишига аҳамият берилади.

Танглай тузилиши: нормал, тор, чуқур, паст, ясси, ёрикликлар инобатга олинди.

Тилча тузилиши: нормада, йўқлиги, калталиги, 2 га бўлинганлиги аниқланди.

Артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини текширишга оид машқларни болалар қай даражада бажарганликларига қараб балл тизимида изоҳлаймиз:

4 балл – топшириқни бажарди.

3 балл – топшириқни секин бажарди.

2 балл – топшириқни хато бажарди.

1 балл – топшириқни бажара олмади.

2.1.2.Товушлар талаффузини текшириш

Товушлар талаффузини текшириш якка тартибда олиб борилди. Олинган маълумотлар махсус нутк картасига ёзиб борилди. Олинган маълумотлар. Болаларда товушлар талаффузининг қай даражада эканлиги балл тизимида изоҳланади:

- 4 балл – товуш тугри талаффуз килинди;
- 3 балл – товуш бошка бир товуш билан алмаштирилди;
- 2 балл – товуш нотугри талин килинди;
- 1 балл – товуш умуман йук.

Товушлар талаффузидаги камчиликларни канчалик огир ва доимий эканлигини аниклаш учун бола нутки кузатиб турилди, яъни боладаги товушлар талаффузи куйидаги вазиятларда узгарадими:

- болани кизиктирган мавзуда ота-оанси, дустлари билан буладиган суҳбат жараёнида;
- машгулотларда жавоб бериш жараёнида;
- кургазмалардан фойдаланиб мустакил фикрини билдириш жараёнида;
- ёд булиб кетган сузларни (яъни унгача санаганда, хафта кунлари айтиб беришда, шеър, эртак ва х.к.) талаффузида;
- логопед ёки тарбиячининг кетидан такрорлаганда.

Товушлар талаффузини текширишда биз махсус альбомдан фойдаландик. Альбомда мактабгача ёшдаги болаларни лугатига мос мос булган сузлар берилган. Текшириладиган ҳар бир товуш сузнинг бошида, уртасида ва охирида берилган. Бола расмларни курибномлайди, биз ҳар бир товуш талаффузнинг бузилганлик даражасини нутк картасига қайд қилиб бордик. Куйидаги товушлар талаффузи текширди:

- -унли товушлар (а, о, у, и, у, э)
- сиргалувчи, шовкинли, аффрикат товушлар (с, з, ш, ж, ч)
- сонор товушлар (р, л, м, н)
- тил орқа товушлари (к, г, х)
- чуқур тил орқа товушлари (к, г, х)
- жарангли ва жарангсиз товушлар (п-б, т-д, в-ф, к-а)

2.1.3.Фонематик идрокни текшириш

Фонематик идрокни текшириш нуткий товушларни мураккаб сигнал белгилари буйича дифференциация қилиш имкониятларини аниклашга қаратилган. Товушларни дифференциация қилишнинг шаклланмаганлиги, купинча импрессив нуткнинг бузилишида бирламчи механизм булиб намоён булади.

Дизартрик болаларда нутк эшитиш ва нутк ҳаракат анализаторлари функциясининг хусусиятларини урганиш фонематик идрокнинг қандай даражада бузилганлигини аниклаш ва коррекцион ишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Фонематик идрок ҳолатини аниклаш учун қуйидаги топшириқларни танлаб олдик.

1. Маълум бир товушни товушлар каторидан танлаб олиш :

а) бир-биридан максимал даражада фарқ қиладиган товушлар берилади:

«о» товушини эшитсанг кулингни кутарасан,

а, у, о, з, м, и, о, л, д, о.....

б) бир-биридан уртача даражада фарқ қиладиган товушлар :

«ш» товушини эшитсанг кулингни кутарасан,

п, ш, к, т, ш, б, к, х, ш.....

в) бир-биридан минимал даражада фарқ қиладиган товушлар :

«с» товушини эшитсанг кулингни кутар,

ш, з, с, ж, ш, ч, с, з, с....

2. Маълум бир бугинни бугилар орасидан танлаб олиш :

а) максимал даражада фарқ қилувчи катор:

«ш» товуши иштирок етган бугинни эшитсанг кулингни кутар,

Ба, ка, ша, да, на, ша, ма, ра, ша....

б) уртача даражада фарқ қилувчи бугинлар катори:

«ш» товуши иштирок этган бугинни эшитсанг кулингни кутар,

па, ба, ша, фа, ха, ша, жа, да, ша.....

в) минимал даражада фарқ қилувчи бугинлар катори:

«ш» товуши иштирок етган бугинни эшитсанг кулингни кутар,

Са, жа, ша, за, ча, ша, са, за, ша...

3. Артикуляцион жихатдан бир-бирига ухшаш товушларни такрорлаш.

с – з, т – д, б – п, к – г...

4. бугинларни такрорлаш. Па-ба, ба-па, та-да, да-та, са-за, за-са, ша-жа, жа-ша, ка-га, га-ка.

Болалар фонематик идрокни текширишга оид топшириқларни қай даражада бажарганликлари балл тизимида изоҳланади:

4 балл – топшириқни аниқ бажарди;

3 балл – топшириқ такрорлангач, секинлик билан бажарди;

2 балл – топшириқни хато бажарди;

1 балл – топшириқни умуман бажара олмади.

III.Боб. Болалар церебрал фалажида (дизартрия) нутк камчиликларини баратараф этиш.

3.1. Логопедик текшириш натижалари.

3.1.1. Артикуляцион аппарат тузилиши ва ҳаракатчанлигини текшириш натижалари

Биз Тошкент шаҳридаги 273-махсус болалар богчасининг катта гуруҳида 10 та боланинг умумий анамнезини урганишда ота-оналар, дефектолог, тарбиячилар суҳбати ва болаларнинг тиббий ҳужжатларидан фойдаландик.

Мактабгача ёшдаги церебрал фалаж касаллиги билан касалланган болаларда артикуляцион аппарат тузилишини текшириш бўйича олган маълумотларимизни 1-жадвалда батафсил келтирамыз.

Артикуляцион аппарат тузилишини текшириш натижалари

1-жадвал

Артикуляцион аппарат тузилишида камчиликлари бор булган болалар сони (%)																							
Лаб				Тил					Жаг					Юм шок танг лай		Кат тик танг лай		Тишлар				Юган ча	
норма	калин	ингичка	Ёрикликлари бор	норма	узун	Калта	калин	ингичка	норма	прогения	Прогнатия	Олд очик пр-е	Ён очик пр-е	норма	ёрикликлар	норма	ёрикликлар	Норма	майда	Йирик	зич	норма	калта
50%	30%	20%		40%	30%		20%	10%	60%		10%		30%	100%		100%		70%	30%			70%	30%

Мактабгача ёшдаги церебрал фалаж касаллиги билан касалланган дизартрик болаларнинг артикуляцион аппарати тузилишини текширганимизда купол нуксонларни учратмадик, 30% болаларда лаб тузилишида нормадан калин ва 20% болаларда ингичка булиш холлари кузатилди. Тилнинг тузилишини текширганимизда, 30% болаларда тилнинг нормадан узун, 20% болаларда калин ва 10% болаларда ингичка булиш холлари аникланди. Жагнинг тузилишида 30% болаларда ён очик прикуслар, 10% болаларда прогнатия камчилигини кузатдик. Юмшок танглай тузилишида ҳеч қандай камчиликлар аникланмади. Каттик танглай тузилишини текширганимизда 100% болаларда ҳеч қандай

патологиялар кузатилмади. церебрал фалаж касаллиги билан касалланган дизартрик болаларнинг 30% да тишларнинг майда тузилишига эга эканлиги ва 30% болаларда юганчанинг нормадан калта булиш ҳолатлари кузатилди.

Мактабгача ёшдаги дизартрик болаларда артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини текшириш бўйича олган маълумотларимизни 2-жадвалда батафсил келтирамиз.

Артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини текшириш натижалари

2-жадвал

	Артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини текшириш бўйича берилган топшириқлар	Нуткий нуксон ури	Болаларда топшириқларни фоиз ҳисобида бажарган курсаткичлари			
			4 балл	3 балл	2 балл	1 балл
1	лабларни «о» товуши талаффузидагидай килиб чуччайтириш, шу ҳолатни саклаб туриш	дизартрия	60	30	-	10
2	Лабларни кулги ҳолатига келтирамиз	дизартрия	60	30	-	10
3	Пастки тишлар каторини курсатиш	дизартрия	20	40	30	10
4	Юкори тишлар каторини курсатиш	дизартрия	-	20	70	10
5	Тилни иложи борица ташкарига чиқариш	дизартрия	60	40	-	-
6	Тилни огиз бушлигига киргизиш	дизартрия	70	20	-	10
7	Тил учини огизнинг бир бурчагидан иккинчисига «соат» каби ҳаракатлантириш	дизартрия	20	30	30	20
8	Юкори ва пастки лабларни ялаш	дизартрия	20	30	30	20
9	Тил учини унг, сунгра чап лунжга теккизиш	дизартрия	30	-	50	20
10	Огизни катта очиб туриш	дизартрия	70	30	-	-
11	Пастки жағни унг ва чапга ҳаракатлантириш	дизартрия	20	10	40	30
12	Огизни катта очиб, ярмигача ёпиш, сунгра ёпиш.	дизартрия	-	10	80	10

Мактабгача ёшдаги дизартрик болаларнинг артикуляцион аппарати ҳаракатчанлигини текширганимизда купол нуксонларни учратмадик. Лабларнинг ҳаракатчанлигини текширганимизда болалар лабларни пастга тушириш ва юкорига кутариш топшириқларини бажаришда кийналдилар, яъни 20% болалар бу ҳаракатларни аник бажардилар, 20-40% болалар кийналиб секин бажардилар, 70% болалар бу ҳаракатларни хато бажардилар ва 10% болалар бу ҳаракатларни умуман бажара олмадилар.

Тилнинг ҳаракатчанлигини текширганимизда дизартрик болаларда фалажланиш аломатлари яққол намоён бўлди. Тилни иложи борича ташқарига чиқариш топширигини бажаришда 60% болалар ҳаракатни аниқ бажардилар ва 40% болалар топширикни тушунишга қийналиб, секинлик билан бажардилар. Тилни юқорига ва пастга, унгла ва чапга ҳаракатланишини текширганимизда 20% болалар топширикни аниқ бажардилар, 20-30% болалар топширикни секинлик билан бажардилар, 30-50% болалар топширикни ҳато бажардилар ва 10-20% болалар бу топширикни умуман бажара олмадилар. Пастки жағнинг ҳаракатчанлигини текширишда 20% болалар топширикни аниқ бажардилар, 10% болалар топширикни тушунишга қийналиб секинлик билан бажардилар, 40% болалар бу топширикни ҳато бажардилар ва 30% болалар бундай ҳаракатларни умуман бажара олмадилар.

3.1.2. Товушлар талаффузи нуқсонларни текшириш натижалари

Мактабгача ёшдаги церебрал фалаж касаллиги билан касалланган дизартрик болаларнинг товушлар талаффузини текширишда олган маълумотларимизни таҳлил қилиш жараёнида, бундай болаларда товушлар талаффузида тургун камчиликлар борлиги аниқланди. Шунинг учун купчилик болаларнинг нутқи мужмал, тушунарсиз. Сузларда товуш, бугинларни тушуриб қолдириш, урнини алмаштириш, ургун нотугри қуйиш каби камчиликлар ҳам аниқланди.

Артикуляцион аппаратнинг тузилиши ва ҳаракатчанлигини текшириш натижалари дизартрик болаларда мавжуд бўлган товушлар талаффузи камчиликларининг сабабларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этди.

Товушлар талаффузи ҳолатини биз логопедияда қабул қилинган классификация, яъни нуқсонли товушларни гуруҳларга тақсимлаш (сонор, шовқинли, сиргалувчи, жарангли, жарангсиз ва ҳ.к.) асосида таҳлил қилдик.

Товушлар гуруҳи орасида талаффуз камчиликларини қандай тақсимланишини 3-жадвалда ифодаладик.

Товушлар талаффузи бузилишини текшириш натижалари

3-жадвал

№	Намоён булиши	Нуткий нуксон тури	Товуш алмаш Тирилди	Товуш нотугри талаффуз этилди	Товуш умуман йук
1	Унли товушларни бузилиши	дизартрия	40%	-	10%
2	Сиргалувчи товушларни бузилиши	дизартрия	50%	10%	30%
3	Шовкинли товушларни бузилиши	дизартрия	50%	-	40%
4	Сонор товушларни бузилиши	дизартрия	50%	10%	40%
5	Тил орка товушларини бузилиши	дизартрия	40%	10%	40%
6	Чукур тил орка товушларни бузилиши	дизартрия	30%	-	70%
7	Жарангли ва жарангсиз товушларни бузилиши	дизартрия	50%	-	40%

3-жадвалда келтирилган маълумотларга кура дизартрик болаларнинг 40% да унли товушларнинг узаро алмаштириш ; 10% дизартрик болаларда эса айрим унли товушларни (а, у, и, э) нутқда йўқлиги аниқланди. Дизартрик болалардан 50% сиргалувчи товушларни шовкинли товушларга алмаштирадилар. 10% дизартрик болаларнинг бу товушларни нотугри талкин килишлари аниқланган бўлса. 30% болаларда сиргалувчи товушларни нутқда йуклиги аниқланди. 50% дизартрик болалар шовкинли товушларни бошқа товушларга алмаштирадилар, 40% дизартрик болаларнинг талаффузида ушбу товушларнинг йуклиги аниқланди. 50% дизартрик болалар сонор товушларни бошқа товушларга алмаштириши; 10% дизартрик болалар эса ушбу товушларни нотугри талкин килишлари аниқланди. 40% дизартрик болаларда эса сонор товушларни талаффуз эта олмаслик ҳолатларини кузатдик. 40% дизартрик болаларда тил орка товушларини бошқа товушларга алмаштириш; 40% дизартрик болалар эса бу товушларни талаффуз эта олмасликлари аниқланди. Чукур тил орка товушларини бошқа товушларга алмаштириш ҳоллари 30% дизартрик болаларда кузатилди. 70% дизартрик болалада эса ушбу товушларни талаффуз эта олмаслик ҳоллари кузатилди. 50 % болаларни жарангли ва жарангсиз товушларни бошқа товушларга алмаштириш ҳолларини ўзимизни эксперимент

ишимизда кузатдик. 40% дизартрик болаларда ушбу товушларни талаффуз эта олмаслик холлари аниқланди. Текшириш натижаларининг кўрсатишича мактабгача ёшдаги дизартрик болаларда товушлар талаффузидаги камчиликлар полиморф характерга эга бўлиб, айниқса орқа катор унлилари (у, ў, о) ва талаффузи мураккаб бўлган ундошларни (р, л, ш, к, ч) талаффузида кузатилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, текширилган болаларда товушларни нотугри талаффуз қилиш нуткнинг турли хил шакллари – логопед билан биргаликдаги нутк, логопед кетидан қайтариладиган нутк ва мустақил нутқида учрайди. Шунингдек товушнинг нотугри талаффузи алоҳида талаффуз этиш пайтидагина эмас, балки бугин, суз ва иборали нутқида ҳам кузатилиши аниқланди.

Артикуляцион моториканинг бузилиши қўпданча, артикуляцион мускуллар моторикасининг ҳаракатчанлигини чегараланишида намоён бўлди. Лаб мускуллари ҳаракатчанлигининг чегараланишида унли ва ундош товушлар талаффузи бузилади. Унлилар орасида лабларнинг иштироки билан боғланган товушлар талаффузи бузилган. Булар - у, ў, о товушлари. Ундошлар орасида ҳам лаб-лаб ундошларининг талаффузи бузилган (п, б, в, м). Лаб ва тил ҳаракатларининг чегараланганлиги сабабли, сирғалувчи, шовқинли ва олд катор унлилари (и, э) талаффузида камчиликлар кузатилиши аниқланди.

Дизартрик болаларда юмшоқ танглай мускуллари ҳаракатчанлигининг чегараланганлиги сабабли, товушларнинг нуксонли талаффузи кучаяди. Биз томонимиздан қўриб чиқилган товушлар талаффузидаги нуксонлар дизартриянинг алоҳида шакллари деб қаралди. Бу нуксонлар артикуляцион аппарат ҳаракатини пустлоқдан бошқариш фаолиятининг етарли даражада эмаслиги ҳисобига деб қараш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлардан қўриниб турибдики, дизартрик болалар талаффузида камчиликлар ўзига хос хусусиятларга эга.

3.1.3. Фонематик идрокни текшириш натижалар

Фонематик идрокни текшириш натижаларининг кўрсатишича мактабгача ёшданги дизартрик болаларда товушларни талаффуз қилишда уларни бир-биридан ажрата олмаслик, болалар нутқида дифференцияланмаган товушлар бўлиши, товушларни алмаштириш, нутқида уларни тўғри қўлламаслик, товушларни эшитишга кўра етарли фарқламаслик кузатилади. Бу камчиликларнинг хусусияти ва намоён бўлиши товушларни артикулятор ва акустик хусусиятларига, нутқни тартиби ва бошқаларга боғлиқ.

Болаларнинг фонемаларни ўз нутқи ва бошқалар нутқида аниқ фарқламасликлари айниқса, жарангли-жарангсиз, сирғалувчи-шовқинли товушларни фарқлашда намоён

бўлди. Бундан ташқари ҳосил бўлиш усули бўйича ўхшаш товушларни (п-б, к-г, с-з, ш-ж, т-д) фарқлашда болалар кўпгина қийинчиликларга дуч келишди.

Фонематик идрокни текшириш натижалари 4-жадвалда батафсил берилган.

Фонематик идрокни текшириш натижалари

4-жадвал

№	Фонематик идрокни текширишга оид топшириқлар	Болаларнинг тўплаган балл кўрсаткичлари (% ҳисобида)			
		4	3	2	1
1	Артикуляцион жихатдан бир-биридан фарқ киладиган товушларни ажратиш	10%	50%	30%	10%
2	Артикуляцион жихатдан бир-бирига ухшаш товушларни ажратиш (ш, с, з, ж...)	10%	20%	70%	–
3	Бир-биридан фарқ килувчи бугинлар каторидан маълум бир бугинни ажратиш (ба, ка, да, ша,)	-	20%	50%	30%
4	Бир-бирига ухшаш бугинлар каторидан маълум бир бугинни ажратиш (са,за, ша, жа)	10%	20%	60%	10%
5	Артикуляцион жихатдан бир-бирига ўхшаш товушларни такрорлаш (п-б, б-п, т-д, д-т, с-з)	10%	10%	50%	30%
6	Артикуляцион жихатдан бир-бирига ўхшаш бўғинларни такрорлаш (ба-па, па-ба, та-да, да-та)	10%	20%	60%	10%

Мактабгача ёшдаги церебрал фалаж касаллиги билан касалланган дизартрик болаларнинг фонематик идрокини ўрганиш натижасида олган маълумотларимизга кура, болалар фонемаитк тахлилнинг барча операцияларини бажаришда қийинчиликларга дуч келдилар. Артикуляцион жихатдан фарқ киладиган товушларни ажратишда 10% болалар топширикни аниқ, 50% болалар топширикни такрорлангач секинлик билан, 30% болалар эса хато бажардилар. Артикуляцион жихатдан бир-бирига ухшаш товушларни ажратишда 10% болалар топширикни аниқ, 20% болалар секинлик билан, 70% болалар эса хатоликлар билан бажардилар. Бир-биридан фарқ килувчи бугинлар каторидан маълум бир бугинни ажратишда 20% болалар узок уйлаб, 50% болалар хатоликлар билан, 30% болалар эса топширикни бажара олмадилар. Бир-бирига ухшаш бугинлар каторидан маълум бир бугинни ажратишда 10% болалар топширикни аниқ, 10% и эса узок уйлаб, 60% болалар эса топширикни хатоликлар билан бажардилар. Артикуляцион жихатдан бир-бирига

ўхшаш товушларни такрорлашда 10% болалар бу топширикни аниқ, 10% болалар эса узок уйлаб, 50% болалар хатоликлар билан бажарган булсалар, 30% болалар эса топширикни умуман бажара олмадилар. Артикуляцион жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўғинларни такрорлашда 10% болалар аниқ бажардилар, 20% болалар узок уйлаб, 60% болалар хатоликлар билан бажарган булсалар, 10% болалар эса топширикни бажара олмадилар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан куришиб турибдики, дизартрик болаларнинг фонематик идрокида бир мунча камчиликлар мавжуд.

3.2. Болалар церебрал фалажида дизартрия нутқ камчилигини бартараф этиш (методик тавсиялар)

Болалар церебрал фалажида дизартрияни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган логопедик таъсир тизими комплекс равишда амалга оширилади, яъни артикуляцион аппарат массажи ва гимнастик машқлари, овоз ва нафас устида ишлаш, умумий даволаш, даволовчи жисмоний —тарбия, физиотерапия ва дори —дармонлар билан даволаш ишлари.

Асосий диққат болада нутқнинг ривожланиши ҳолатига, нутқнинг лексик—грамматик томонига ҳамда нутқнинг алоқа функцияси хусусиятларига қаратилади. Мактаб ёшидаги болаларда ёзма нутқ ҳолати ҳам ҳисобга олинади.

Узоқ вақт давомида мунтазам равишда олиб борилган машғулотлар секин—аста артикуляцион аппарат, аппарат моторикасини нормаллаштиради, артикуляцион ҳаракатларни ривожлантиради, артикуляция аъзоларида ихтиёрий ҳаракатларни бир ҳаракатдан бошқа бир ҳаракатга ўтиш қобилятини шакллантиради, ҳамда фонематик эшитувни тўла қонли равишда ривожлантиришга ёрдам беради.

Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг усуллари А.Г.Иппалитова, О.В.Правдина, В.В.Иппалитова, Е.М.Мастюкова, Г.В.Чиркина, И.И.Панченко, ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

1 — товушларнинг тўғри талаффузини ўргатиш, яъни артикуляцион моторикани, нутқий нафасни ривожлантириш ва товушни нутқга қўйиш ва мустаҳкамлаш.

2 - Фонематик идрокни ривожлантириш, товуш анализ малакасини шакллантириш. итувни ривожлантириш, товуш анализ малакасини шакллантириш.

3- Нутқнинг ритм, озангдорлиги ва ифодалилиги томонидаги камчиликларни бартараф этиш.

4 — Пайдо бўлган нутқнинг умумий ривожланмаганлигини тўғрилаш.

Дизартрик болаларда товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш, тузатиш ишнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Товушлар талаф-фузидаги камчиликларининг асосий сабаби нутқ аппарати аъзоларининг ҳаракатчанлигида кузатиладиган камчиликлардир. Шунинг учун логопед асосий диққатни артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратиши лозим.

Товушлар талаффузи устида ишлаш қуйидаги ҳолатни ҳисобга олиб ташкил этилади:

1- Дизартрия шакли, боланинг нутқини ривожланиш ҳолати ва бола ёши-ни ҳисобга олиш.

2- Нутқ коммуникациясининг ривожланиши. Товушлар талаффузининг шаклланиши коммуникациянинг ривожланишига йўналтирилган бўлиши лозим.

3 – Мотивациянинг ривожланиши, бор бўлган бузилишларининг бартараф этишга интилиш, ўз — ўзини англашни, узига ишонч, ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўз қадрини билиш ҳамда ўз кучига ишониш.

4—Дифференциал эшитиш идроки ва товуш анализи қобилиятини ри-вожлантириш.

5—Кўрув—кинестетик туйғуни ривожлантириш йўли билан артикуляцион тартиб ва артикуляцион ҳаракатни кучайтириш.

6—Ишни босқичма—босқич ташкил этиш. Коррекцион иш болада та-лаффузи сақланиб қолган товушлардан бошланади. Баъзан товушлар анча содда мотор координациялари тамойилига кўра танлаб олинади, аммо арти-куляцияон бузилишни ҳисобга олинган ҳолда биринчи навбатда илк онтогенез товушлари устида иш олиб борилади.

7—Энг оғир бузилишларда яъни бола нутқи атрофдагилар учун умуман тушунарсиз бўлганда коррекцион иш алоҳида ажратилган товушлар ва бўғинлардан бошланади. Агарда бола нутқи атрофдагилар учун нисбатан тушунарли бўлса ва у айрим сўзларда нуксонли товушларни тўғри талаффуз қила олса унда иш «таянч» сўзлардан бошланади. Ҳар қандай ҳолларда ва турли нутқий ҳолатларда товушлар нутқда мустаҳкамланиши зарур.

8—Марказий асаб тизими шикастланган болаларда нутқдан олдинги даврда логопедик ишларни мунтазам олиб бориш йўли билан товушлар талаффузидаги мураккаб бузилишларни олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Дизартерияда олиб борадиган логопедик ишлар босқичма босқич олиб борилади.

1—босқич тайёрлов босқичи—бу босқичнинг асосий мақсади:

- артикуляцион аппаратни, артикуляцион тартибни шакллантиришга тай-ёрлаш;

- боланинг илк ёшида—нутқий мулоқот эҳтиёжини тарбиялаш;
- пассив луғатни аниқлаш ва ривожлантириш
- нафас ва овоздаги камчиликларни коррекциялаш.

Бу босқичнинг энг аҳамиятли вазифалари бу—сенсор функцияни айниқса эшитиш идроки ва товушлар анализини ривожлантиришдир .

Коррекцион иш методлари ва усуллари қўллаш нутқ, ривожланиши даражасига боғлиқ. Болада мулоқот нутқ воситаларининг бўлмаслиги бошланғич овоз реакциясини тезлаштирилади ва товушларга тақлид қилишга олиб келади, ҳамда унга коммуникатив аҳамият тусини беради.

Логопедик ишлар дори дармонлар билан таъсир этиш, физиотерапевтик даволаш, даволов жисмоний тарбияси ва массаж билан қўшиб олиб борилади.

2—босқич бошланғич коммуникатив талаффуз қобилиятини шакллантириш босқичи.

Бу босқичнинг асосий мақсади:

- нутқий мулоқот ва товушлар анализи малакасини ривожлантириш;
- артикуляцион аппарат мускулларини бўшаштириш;
- оғиз ҳолатини назорат қилиш;
- артикуляцион ҳаракатларни ривожлантириш;
- овозни ривожлантириш;
- нутқий нафасни тўғрилаш;

-артикуляцион ҳаракатларни сезиш ва мақсадга йўналтирилган артикул-яцион ҳаракатни ривожлантириш.

Артикуляцион аппарат мускулларини бўшаштирувчи машқлар умумий мускулларни бўшаштирувчи машқлардан бошланади (бўйин, кўкрак қафаси, қўл мускуллари). Сўнг юз мускулларини бўшаштирувчи массаж ишлари олиб борилади.

Ҳаракатлар пешонанинг ўртасидан чеккага қараб бошланади. Улар бармоқ уч-ларининг енгил силашдаги секин суръатдаги ҳаракатлар ёрдамида бажарилади.

Бўшаштирувчи массаж меъёрий равишда фақат юзнинг тонуси ошган мускул-ларига қаратилади, бўшашган мускуллар гуруҳига қаратилган массаж эса мус-тахкамловчи бўлиши лозим.

Юз мускулларини бўшаштирувчи массажнинг иккинчи йўналиши қошлар-дан бошнинг сочлар бошланувчи қисмигача қаратилади. Ҳаракатлар бир хил-да иккала қўл билан икки томондан қилинади.

Учинчи йўналишда ҳаракатлар пешона йўлидан пастга, лунжлардан бўйин ва елка мускулларига қаратилади.

Сўнггра лаб мускулларини бўшаштиришга ўтилади. Логопед ўзининг кўрсаткич

бармоқларини юқори лабнинг ўртаси ва оғизнинг иккала томонидан бур-чагига қўяди ва ҳаракатлар ўрта чизикка қарата қилинади. Бундай ҳаракат па-стки лаблар билан ҳам қилинади. Сўнгра иш иккала лабда ўтказилади.

Кейинги машқда лагопеднинг кўрсаткич бармоқлари худди юқоридагидек ҳолатда бўлади, фақат ҳаракатлар юқори лаб бўйича юқорига қараб қилинади, бунда милклар кўринади, пастга қараб қилинган ҳаракатларда пастки милклар очилади.

Сўнгра логопеднинг кўрсаткич бармоқлари оғизнинг бурчакларига қўйи-лади ва лаблар тортилади. (илжайиш). Қайта ҳаракат ёрдамида лаблар ўз ҳо-латига қайтади.

Бундай машқлар оғизнинг турли ҳолатларда: оғиз ёпик, ярим очик, катта очик ҳолатларида қилинади.

Бўшаштирувчи машқлардан сўнг паст тонусдаги мустаҳкамловчи массаж-дан сўнг лабнинг пассив фаол ҳаракатлари машқ қилдирилади. Бу массаж ва машқлар натижасида бола лаблари билан турли диаметрдаги ёғоч буюмларни, конфетларини ушлаб тура олишига эришади, найча орқали сувни ичишни ўрганади.

Юқорида қайд этилган мушуларни умумий бўшаштирувчи машқларидан сўнг тил мушуларини машқ қилишга ўтилади. Уларни бўшаштиришда тил пастки жағ мушулари билан ўзаро боғлиқ эканини ёддан чиқармаслик керак. Шунинг учун спастик кўтарилган тилнинг оғиз бўшлиғида пастга ҳаракати пастки жағнинг пастга қараб ҳаракати билан бирга қилинса машқни бажариш бола учун осон кечади. Мактаб ёшидаги болаларга бундай машқлар ауто-тренинг кўринишида берилади, «мен тинчман, жуда бўшашганман, тилим оғзимда тинч ҳолатда. Пастки жағ пастга тушаётганда тилни ҳам секин пастга тушураман».

Агар бу усуллар етарлича ёрдам бермаса тилнинг учига бир бўлак тоза дока ёки тоза, енгил бирор буюм қўйилади. Ҳосил бўлган тактил сезгилар болага тилнинг эркин ҳаракатига нимадир ҳалақит бераётганини тушунтириш-га, яъни спастик ҳолатни сезишга ёрдам беради. Шундан сўнг логопед лого-педик зонд билан тилни енгил босиш ҳаракатларини қилади.

Кейинги ҳаракат тилни енгил ҳолда томонларга ҳаракат қилишидир. Ло-гопед эҳтиёткорлик билан тилни тоза дока билан ушлаб, ритмик равишда то-монларга тортади. Аста-секин логопеднинг ёрдами камайиб, бола машқни ўзи бажара бошлайди. Массаж, даволовчи жисмоний тарбия мутахассис томони-дан ўтказилади. Логопед ва ота-оналар шифокор назорати остида, гигиеник талабларга амал қилган ҳолда унинг элементларидан фойдаланишлари мумкин.

ХУЛОСА

Муаммо бўйича адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўтказилган текшириш ишларимиз асосида куйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин:

1. Тадқиқотимиз мақсадига кўра биз болалар церебрал фалажланишида кузатиладиган дизартрия нутк бузилишида болалар нутқининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдик ҳамда бузилиш механизмларига кўра уларни бартараф этиш бўйича методик тавсиялар бердик.
2. Артикуляцион аппарат тузилиши ва ҳаракатчанлигини текшириш жараёнида дизартрик болаларнинг деярли барчасида камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Церебрал фалажланишда болаларнинг артикуляцион моторикасида бир қатор бузилишлар кузатилиб, улар бир қатор белгиларга эга. Бу ҳолни биз артикуляция мускулатурасида кузатдик. Яъни унда артикуляция мускулларни спастиклиги – тил, лаб, юз ва бўйин мускуллари тонусининг доимий равишда ортиб бориши кузатилди. Яққол намоён бўлган мускуллар тонусининг ортиши натижасида тил таранг ҳолда, орқа томон тортилган, тил учи тепага кўтарилган ноаниқ ҳолда бўлиши аниқланди.
3. Товушлар талаффузини текшириш жараёнида товушлар талаффузида турғун камчиликлар аниқланди. Болаларда товушлар талаффузини бузилиши товушларни нуткда йўқлиги, уларни бузиб талаффуз этиш ва бир-бири билан алмаштириш ҳоллари билан намоён бўлди.
4. Артикуляцион аппарат тузилишини ва ҳаракатчанлигини текшириш натижалари болаларда учрайдиган товушлар талаффузини камчиликларининг сабабларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”. Тошкент 2008 й.
2. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси. Шарқ нашриёти матбаа концерни. Бош таҳририяти. 1999 й.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
4. Каримов И.А. Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
6. Аюпова М.Ю. Логопедия. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти. Тошкент., 2007
7. Волкова Г.А. Логопедическая ритмика. – М., 2003.
8. Ефименкова Л.Н. Формирование речи у дошкольников. – М., 1985.
9. Жукова Н.С., Мастюкова Е.М., Филичёва Т.Б. Преодоление общего недоразвития речи у дошкольников. – М., 1990.
10. Жукова Н.С. Преодоление недоразвития речи у детей. – М., 1994.
11. Иваненко С.Ф. Формирование восприятия речи у детей с тяжёлыми нарушениями произношения. – М., 1984.
12. Картушина М.Ю. Логоритмические занятия в детском саду. – М., 2004.
13. Логопедия. /Под ред. Л.С. Волковой., С.Н. Шаховской. – М., 2003.
14. Нищева Н.В. Система коррекционной работы в логопедической группе для детей с общим недоразвитием речи. – СПб., 2001.
15. Новиковская О.А. Логоритмика для дошкольников в играх и упражнениях. – М., 2005.
16. Развитие речи детей дошкольного возраста. /Под ред. Ф.А.Сохина. – М., 1979.
17. Филичёва Т.Б. Особенности формирования речи детей дошкольного возраста. – М., 2000.
18. Филичёва Т.Б., Чиркина Г.В. Подготовка к школе детей с общим недоразвитием речи в условиях специального детского сада. – М., 1994.
19. Филичёва Т.Б., Чиркина Г.В. Коррекционное обучение и воспитание детей 5-летнего возраста с общим недоразвитием речи. – М., 1991.
20. Филичёва Т.Б., Чевелёва Н.А., Чиркина Г.В. Основы логопедии. – М., 1989.

21. Филичёва Т.Б., Чиркина Г.В. Устранение общего недоразвития речи у детей дошкольного возраста. Практическое пособие. – М., 2004.
22. Хрестоматия по логопедии /Под ред. Л.С.Волковой., В.И.Селиверстова. – М., 1997. Ч. 2.
23. «Хрестоматия по логопедии» Под редакцией проф Л.С.Волковой, В.И.Селиверстова Том I, Москва «Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС» 1997г.
24. Худенко Е.Д. Как научить ребенка думать и говорить/ Е.Д. Худенко, Т. С .Мельникова, С.Н.Шаховская.-Москва, 1993г.
25. Шашкина Г.Р., Зернова Л.П., Зимина И.А. Логопедическая работа с дошкольниками. – М., 2001.